

И.О. Якубов,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
К.Т. Очилов,  
катта ўқитувчи, ТДИУ

## МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва босқичма-босқич рақобатбардошлигини ошириш стратегияси минтақа ракобатбардошлигини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш; асосий устувор йўналишлар ва мақсадли кўрсаткичларни асослаш хамда нисбий рақобат афзалликлари ва захиралар салоҳиятидан оқилона фойдаланишга асосланади

Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошликини оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуидагилар ҳисобланади:

- умуммиллий манфаатлар ва мамлакат миқёсида иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш;
- ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва минтақалараро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат, минтақа ва тармоқлар мафаатларининг мос келиши;
- ҳар бир ҳудуднинг табиий - иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рақобат афзалликларини кластерлаштириш усули имкониятлари орқали ҳисобга олиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг қонуний - ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини шакллантириш, турли минтақавий даражаларда рақобатбардошликини кучайтириш.

Кўйида минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг принципиал тизими келтирилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишининг принципиал тизими<sup>1</sup>.

I босқич	Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси	Турли ҳудудий даражаларда стратегияни амалга ошириш механизмлари
II босқич	Ўзбекистонни ҳудудий ривожлантириш стратегияси	
III босқич	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегияси	
IV босқич	Вилоятнинг туман ва шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси	

<sup>1</sup> Муаллифлар томониидан ишлаб чиқилган.

Стратегияни ишлаб чиқиш борасида таклиф этилаётган ҳар бир босқичнинг ўз мақсад ва вазифалари, амалга ошириш механизмлари ва дастаклари, аниқ, ишлаб чиқувчилари ва уни амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси бошқарув ва тартибга солишининг турли даражаларида минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиша асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган.

Бу ўринда муҳтарам Президентимизнинг яна бир таъкидлаб ўтган сўзларини эътироф этиш жуда муҳим: “Узок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи ахамият касб этувчи навбатдаги муҳим устувор йўналиш - асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик ахамиятга молик лойихаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”<sup>2</sup>.

Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш узок муддатли стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-иктисодий ривожлантиришнинг юқори ва барқарор суръатларининг самарадорлиги ҳамда мақроиктисодий мувозанатни таъминлаш;

-маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва дунё бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш негизида индустрисал тармоқларни жадал ривожлантириш асосида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уни диверсификация қилиш, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш;

-янги, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мавжудларини қайта техник қуроллантириш ҳамда модернизация қилишни таъминлашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, эркин иқтисодий зоналар ва технопаркларни шакллантириш;

-бозорларни истеъмол товар ва хизматлар билан тўлдириш, ахоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ахоли бандлиги муаммосини ҳал этишининг асосий омили сифатида кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантиришни таъминлаш;

-ишлаб чиқариш инфратузилмаларини, хусусан, мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида ягона транспорт коммуникациялар тизимини шакллантириш, логистика марказларини ташкил этиш;

-ахоли даромадлари ва фаровонлигини барқарор оширишнинг кенг кўламли ижтимоий дастурларини амалга ошириш.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари

<sup>2</sup> Каримов И.А Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.- 65 б.

бевосита ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ўрта муддатли даврларга мўлжалланган иқтисодиётнинг алоҳида сектор ва тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадли давлат дастурларидан келиб чикади. 2010 йилга келиб, уларнинг сони 20 дан ортиқроқни ташкил этди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган асосий мақсадли дастурлар 2 - жадвалда келтирилган.

**2- жадвал**

**Мамлакат ва минтақаларни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берувчи асосий мақсадли давлат дастурлари<sup>3</sup>**

№	Дастурнинг номи	Амалга ошириш муддатлари	Ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири
1.	Иссиқлик билан таъминлаш тизими니 модернизациялаш ва ривожлантириш	2009-2015 йиллар	Бевосита
2.	Темир йўл тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш	2009-2013 йиллар	Бевосита
3.	Ўзбекистон Республикасида ташқи муҳитни химоя қилиш тадбирлари	2008-2012 йиллар	Бевосита
4.	Қашкадарё ва Сурхондарё вилоятида қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш чоралари	2008-2012 йиллар	Бевосита
5.	Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш	2008-2012 йиллар	Бевосита
6.	Ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	2008-2012 йиллар	Бевосита
7.	Иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари фаолияти ва экспорт салоҳиятини оширишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари	2008-2012 йиллар	Бевосита
8.	Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъмирлашга қаратилган муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора- тадбирлари	2009-2014 йиллар	Бевосита
9.	Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	2008-2012 йиллар	Билвосита

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари асосида тайёрланган.

2-жадвал давоми

1	2	3	4
10.	Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини яхшилаш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида	2009-2014 йиллар	Бевосита
11.	Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари	2009-2014 йиллар	Бевосита
12.	Ўзбекистон миллий автомагистрали йўл ёқасида инфратузилма ва сервисни ривожлантириш чора-тадбирлари	2008-2014 йиллар	Бевосита
13.	Йирик тармоқарни (кўумир, нефть-газ, ёғ-мой, фармацевтика, тўқимачилиқ, машинасозлик) модернизациялаш, техника ва технологик қайта таъмирлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар	2009-2014 йиллар	Билвосита
14.	Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга қаратилган қўшимча чоралар	2009-2012 йиллар	Бевосита
15.	Ноозиқ-овқат товарларини маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни қўллаб-куватлашга қаратилган қўшимча чоралар	2009-2012 йиллар	Билвосита

Мақсадли дастурларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари иқтисодиёт ва унинг алоҳида секторларини ривожлантиришнинг бир қатор мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди.

Мақсадли дастурлардан келиб чиқсан ҳолда иқтисодиётни ўрта муддатларда ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари қуидагилардан иборат:

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши - йилига ўртacha 7-8%;
- ЯИМда саноатнинг улушкини 30%гача ошириш;
- ЯИМда хизматлар соҳасининг улушкини 55%га етказиш;
- ҳар йили бир миллионга яқин янги иш жойларини ташкил қилиш;
- ЯИМда кичик бизнеснинг улушкини 60% га етказиш.

Истиқболда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари мамлакат минтақаларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласи. Минтақаларни мажмуали ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясининг асосий тамоиллари,

муаллиф фикрича, қуидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

-мамлакатнинг барча минтақаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ягона иқтисодий сиёсатни амалга оширишда давлат манфаатларининг устуворлиги;

- республикада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда минтақалар ўрнининг ошиб бориши;

- ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оловчи тармоқлар ва худудий ривожланиш тамоилларининг мослигини таъминлаш;

- минтақалар иқтисодиёти таркибини шакллантиришда маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида сектор ва тармоқларни ривожлантиришда ўзаро боғлиқликни амалга ошириш;

- минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда турли механизмлардан кенг фойдаланиш, стратегик муҳим ва ривожлантириш даражаси паст бўлган худудларни давлат томонидан ривожланишини рағбатлантириш;

- мамлакатнинг барча минтақаларини бирлаштирувчи, ягона коммуникация ва транспорт тизимларини шакллантириш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, вазирликлар ва ҳокимиятларнинг минтақаларни ривожлантиришдаги роли ва жавобгарлигини босқичма-босқич ошириш;

- ижтимоий кафолатларни таъминлаш, яшаш жойидан катъи назар, аҳоли учун тенг шарт-шароитлар ва турмуш даражасини таъминлаш, худудий бандлик ва даромадларнинг ўсишини таъминлаш.

Аввалимбор, етарли даражада ривожланмаган минтақалар иқтисодиётини жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги фарқни босқичма-босқич қисқартиришни таъминлаш ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсадларидан биридир. Масалан, 2010-2020 йилларда мамлакат минтақаларида аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги фарқ даражасини 4,4 мартадан 2,5 марта гача, саноатда 22,0 дан 10,0 гача, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2,3 мартадан 2,0 марта гача, маҳсулотлар экспортида 20,0 мартадан 12,0 марта гача, хизмат кўрсатишда 10,0 дан 5,0 марта гача, пул даромадлари бўйича 6,0 мартадан 3,0 марта гача камайтириш назарда тутилган.

Юқорида баён этилган принципиал йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу стратегиянинг устувор йўналишлари ва асосини қуидагилар ташкил этади:

-Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари;

- минтақаларни ривожлантиришнинг ягона мажмуали стратегияси;

-амалга оширилган чуқур таҳлил ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият, муаммо ва номутаносибликларни аниқлаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш, минтақанинг бой табиий-иқтисодий захираларидан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш, нисбий рақобат афзалликларидан хўжалик юритишда кенг фойдаланиш зарурлиги. Кўриб чиқилган қулай омиллар ва ноқулай шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда,

барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясида бир қатор долзарб масалаларни ҳал этиш.

Табиий-иқтисодий салоҳиятининг рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш ушбу стратегиянинг бош мақсади хисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси ва худудий манфаатлар нуқтаи назаридан вилоят рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

-истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги мавжуд рақобат афзалликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (енгил ва озиқ-овқат саноати, ёқилғи-энергетика мажмуаси ва бошқалар);

-минерал хомашё базани ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги саноат тармоқларини ташкил этиш (металлургия, цемент саноати ва бошқалар);

-бой табиий-иқтисодий захиралар, авваламбор қишлоқ хўжалиги хомашёларидан, маҳаллий қурилиш материалларидан, ўсиб бораётган демографик салоҳият ва меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш (маҳаллийлашган ва меҳнат кучини кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш);

-қўшни минтақалар, шу жумладан хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятидан, шунингдек, маҳсулот ва хизматлар (транспорт, туристик, рекреацион ва бошқалар) экспортини сезиларли даражада ошириш учун вилоятнинг қулай транзит имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш;

-минтакавий истеъмол бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобига аҳоли учун ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароитлар яратиш (аҳоли даромадларининг жадал ўсиши, ижтимоий инфратузилма ва хизмат қўрсатиш соҳаси обьектларини ривожлантириш ва бошқалар);

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (ер, сув, минерал-хомашё захиралари ва бошқалар);

-вилоятнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун рағбатлантиришнинг самарали механизм ва шаклларини жорий этиш (минтакавий кластер тизимларини ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш ва бошқалар).